Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида
**РЎЙХАТГА ОЛИНГАН**

Рўйхат рақами 8214

“4” ноября 2019 й

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Раисининг ўринбосари

**Б.Э.Захидов**

# “Мадад Инвест Банк”

акциядорлик тижорат банки

# УСТАВИга

киритилган ўзгартиришлар

“Мадад Инвест Банк” АТБ
Банк Кенгашининг
2019 йил 10 октябрдаги
Мажлиси 10-сонли баённомаси билан
**ТАСДИҚЛАНГАН**

Банк Кенгаши раиси
**Ш.Ш.Ўринбаев**

Фарғона 2019 йил

**"Мадад Инвест Банк" акциядорлик тижорат банкининг**
**Уставига киритилган ўзгартиришлар**

1) **Уставнинг 32-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

32. Банкнинг устав капитали миқдори 100 000 000 000 (юз миллиард) сўмни ташкил қилади ҳамда номинал қиймати 5 000 (беш минг) сўм бўлган 20 000 000 (йигирма миллион) дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги оддий акцияларга бўлинган.

2) **Уставнинг 46-1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

46-1. Банк томонидан 20 000 000 (йигирма миллион) дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги оддий акциялар жойлаштирилган.

3) **Уставнинг VII боби 46-2-банди чиқариб ташлансин.**

**"Мадад Инвест Банк" АТБ**
**Бошқарув раиси** **Ф.О.Камалов**

**"МАДАД ИНВЕСТ БАНК"**
**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ**
**БАНК КЕНГАШИ МАЖЛИСИНИНГ**
**БАЁННОМАСИ**

**2019 йил "10" октябрь** № 10 Фарғона шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 312-уй
*Мажлис бошланиш вақти – 10-00*

**Мажлис раиси:** Ш.Ш.Ўринбаев – Банк Кенгаши раиси
**Иштирок этганлар:**
Банк Кенгаши аъзолари –К.Ф.Арипов, Б.И.Усманов, Қ.К.Сотволдиев, О.Ф.Кадиров
Иштирок этмаган Банк Кенгаши аъзолари – йўқ
**Мажлис кворуми:** 100% – Мажлис кворумга эга, 5 та Банк Кенгаши аъзоси иштирок этмоқда
**Таклиф этилганлар:**
Банк Бошқарув раиси Ф.О.Камалов ва Банк Бошқаруви аъзолари
**Мажлис котиби:** О.А.Ахмадалиев

**КУН ТАРТИБИ:**

1. "Мадад Инвест Банк" акциядорлик тижорат банкининг Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ва тасдиқлаш.

**1. Кун тартибидаги масала юзасидан**, Банк Кенгаши раиси Ш.Ш.Ўринбаев сўзга чиқиб, Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази томонидан 2018 йил 18 майда Р0875-2-сон билан рўйхатга олинган Банкнинг қўшимча акцияларининг иккинчи чиқарилиши тўғрисидаги Қарорига мувофиқ, номинал қиймати 5 000 сўм бўлган 16 940 000 дона умумий қиймати 84 700 000 000 сўмлик оддий акциялар тўлиқ жойлаштирилганлиги ва ҳозирда "Мадад Инвест Банк" акциядорлик тижорат банк устав капитали миқдори 100 000 000 000 (юз миллиард) сўмни ташкил қилиб, номинал киймати 5 000 (беш минг) сўм бўлган 20 000 000 (йигирма миллион) дона эгаси номи ёзилган хужжатсиз шаклдаги оддий акцияларга бўлинганлиги ҳамда бу ҳақда Банкнинг 2019 йил 7 июндаги акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишида қарор қабул қилиниб, Банк Уставига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш қонунчиликка ва Банк Уставига мувофиқ Банк Кенгашига юклатилганлигини айтиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 59-моддасига ва Банк Уставининг 161-банди 9-хатбошисига мувофиқ, Банк Кенгаши раиси Ш.Ш.Ўринбаев кун тартибидаги масала юзасидан қўйидаги қарор матнини овозга қўйди:

- "Мадад Инвест Банк" акциядорлик тижорат банки устав капитали 100 000 000 000 (юз миллиард) сўм миқдоригача кўпайганлиги ҳамда Банкнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш бўйича Банк Уставига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин ва тасдиқлансин;
- "Мадад Инвест Банк" акциядорлик тижорат банки Уставига киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатдан ўтказиш вазифаси Банк Бошқаруви зиммасига юклатилсин.

**Овоз берилди:**
Тарафдорлар – Ш.Ш.Уринбаев, К.Ф.Арипов, Б.И.Усманов, Қ.К.Сотволдиев, О.Ф.Кадиров.
Қаршилар – йўқ
Бетарафлар – йўқ

ASLIGA TO'G'RI

"Мадад Инвест Банк" АТБ ... варақдан иборат.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Банк Кенгаши,

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. “Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банки устав капитали 100 000 000 000 (юз миллиард) сўм миқдоригача кўпайганлиги ҳамда Банкнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш бўйича Банк Уставига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин ва тасдиқлансин.
2. “Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банки Уставига киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатдан ўтказиш вазифаси Банк Бошқаруви зиммасига юклатилсин.

Банк Кенгашининг ушбу мажлис баённомаси 2019 йил “10” октябрь куни тузилди.

**Банк Кенгаши раиси:** _________________ **Ш.Ш.Уринбаев**

**Банк Кенгаши аъзолари:**

_________________ **К.Ф.Арипов**

_________________ **Б.И.Усманов**

_________________ **Қ.К.Сотволдиев**

_________________ **О.Ф.Кадиров**

**Мажлис котиби:** _________________ **О.А.Ахмадалиев**

ASLIGA TO‘G‘RI

"Мадад Инвест Банк" АТБ
Банк Кенгашининг
2019 йил 10 октябрдаги мажлисининг
10 -сонли Баённомасига илова

**"Мадад Инвест Банк" акциядорлик тижорат банкининг Уставига киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар**

<table>
<tr><th>Амалдаги таҳрир</th><th>Амалдаги таҳрирга киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар</th></tr>
<tr><td>32. Банкнинг устав капитали миқдори 15 300 000 000 (ўн беш миллиард уч юз миллион) сўмни ташкил қилади ҳамда номинал қиймати 5 000 (беш минг) сўм бўлган 3 060 000 (уч миллион олтмиш минг) дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги оддий акцияларга бўлинган.</td><td>32. Банкнинг устав капитали миқдори 100 000 000 000 (юз миллиард) сўмни ташкил қилади ҳамда номинал қиймати 5 000 (беш минг) сўм бўлган 20 000 000 (йигирма миллион) дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги оддий акцияларга бўлинган.</td></tr>
<tr><td>46-1. Банк томонидан 3 060 000 (уч миллион олтмиш минг) дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги оддий акциялар жойлаштирилган.</td><td>46-1. Банк томонидан 20 000 000 (йигирма миллион) дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги оддий акциялар жойлаштирилган.</td></tr>
<tr><td>46-2. Банк устав капиталини ошириш мақсадида, жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларнинг миқдори номинал қиймати 5 000 (беш минг) сўмлик 16 940 000 (ўн олти миллион тўққиз юз қирқ минг) дона умумий қиймати 84 700 000 000 (саксон тўрт миллиард етти юз миллион) сўм бўлган эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги оддий акциялардан иборат.<br>Банкнинг эълон қилинган акциялари қуйидаги юридик шахслар ўртасида ёпиқ обуна усули билан қуйидаги тартибда жойлаштирилади:<br>
<table>
<tr><th>Т/р</th><th>Юридик шахс инвесторлар номи</th><th>Акция сони (дона)</th></tr>
<tr><td>1</td><td>"Қувасой таъмир қурилиш" МЧЖ</td><td>2 699 600</td></tr>
<tr><td>2</td><td>"Fergana-vibropress-tensil" МЧЖ</td><td>3 740 000</td></tr>
<tr><td>3</td><td>"Maxsus plast polimer" МЧЖ ҚК</td><td>2 060 000</td></tr>
<tr><td>4</td><td>Royal Thai Group Co., Ltd</td><td>2 540 400</td></tr>
<tr><td>5</td><td>"Yangi avlod qurilish invest" МЧЖ</td><td>3 700 000</td></tr>
<tr><td>6</td><td>"Log`on agrosanoat lyuks" МЧЖ</td><td>2 200 000</td></tr>
<tr><td></td><td>Жами</td><td>16 940 000</td></tr>
</table>
</td><td>Уставнинг VII боби 46-2-банди чиқариб ташлансин.</td></tr>
</table>

ASLIGA TO'G'RI

**Тикилган ва рақамланган**

6 (олти)

**варақдан иборат**

4 ноябрь 2019 йил

**Имзо**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI
CENTRAL BANK OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
Devonxona
Chancellery